

Озор берманг!



08:00 / 17.01.2021 1985

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарда эдик. У зот бир юмушлари билан кетдилар. Шу пайт иккита полапони бор бир қушни кўриб қолиб, унинг полапонларини олиб қўйдик. Полапонларнинг онаси келиб, тепамизда айлана бошлади. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, **«Ким буни боласи туфайли аламга қўйди? Боласини қайтариб беринглар»**, дедилар.

Бир сафар чумоли уясига ўт қўйиб юборган эдик, буни кўриб қолиб, «Ким бунга ўт қўйди?» деб сўрадилар. «Биз», дедик. У зот алайҳиссалом: **«Олов билан фақат оловни яратган Зотгина азоблашга ҳақли»**, дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

«Солиҳлар гулшани» китобидан